

ЁШЛАР МАЊНАВИЯТИНИ ЎОКСАЛТИРИШДА ТАЉЛИМ -ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ

Жаҳонгиров Б.Б.

ЎзДЖТСУ, “Спорт ҳуқуқи, ижтимоий ва табиий
– илмий фанлар” кафедраси профессори

Закиров Ж.

ЎзДЖТСУ, GB-51-23-гурух талабаси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада юртимизда фарзандларимизнинг ақл салоҳияти, қобиляти ва иқтидорини рӯёбга чиқариш уларнинг том маънода баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши, ёшларимизнинг талаб эҳтиёжлари ҳамда манфаатларини қондиришга қаратилган масалалар баён этилган.

Калит сўзлар: ижтимоий, иқтисодий, маънавий, маърифий, ахборот, миллат, тафаккур, халқ, ғуур, жасорати, таълим-тарбия, тарихий, сиёсат, удум, анъана, баркамол авлод.

THE ROLE OF EDUCATION IN INCREASING THE SPIRITUALITY OF YOUTH

Jahangirov B.B.

UzJTSU, “Sports Law, Social and Department of Natural
and Scientific Sciences Professor

Zakirov Zh.

Student of UzJTSU, group GB-51-23

ABSTRACT

This article describes issues aimed at realizing the intellectual potential, abilities and talents of our children, their growing up as full-fledged people, and meeting the needs and interests of our youth.

Keywords: social, economic, spiritual, educational, informational, nation, thinking, people, pride, courage, education, historical, politics, heritage, tradition, perfect generation.

КИРИШ

Жамият ижтимоий-иктисодий, ахборот ва технология жихатдан қанчалик тарққий этмасин ҳар бир тарихий давр инсон маънавий-маърифий камолоти, ёшлар тарбияси борасида янгидан-янги, муракаб масаларни кўндаланг қўяверади. Инсоният пайдо бўлибдики бу муоммо барча даврларда олим-у фузало, файласуф ва сиёсатшунос, тарбиячи ва мураббийлар диққат марказида бўлиб келмоқда. Глобаллашув жараёни таъсирида мазкур масала янада кескин тус олмоқда.

Истиқлоннинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакат мустақиллигини мустахкамлаш, унинг иқтисодий, ижтимоий ва хуқуқий асосларни яратиш билан бирга маънавий-маърифий ва таълим тарбия соҳаларни ислоҳ этиш, ёшларимизни ҳам манан, ҳам жисмонан етук, бозор иқтисодиёти шароитида бемалол рақобатлаша оладиган, замонавий билимларни пухта эгаллаган юксак ақл заковат соҳиблари этиб вояга етказиш давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида бўлиб келган.[5]

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов ва Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз, Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир, Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитасининг жорий архиви, Олий таълим муассасаларининг жорий архивлари ва Б.Жаҳонгровларнинг бу соҳадаги адабиётлари таҳлил қилинди.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМАЛАР

2008 йилнинг “Ёшлар йили”, 2010-йил “Баркамол авлод йили”, 2016-йил “Соғлом она ва бола йили” ва 2021- йил “Ёшларни қўллаб-куватлаш ва аҳоли саломтлигини мустаҳкамлаш йили ” деб эълон қилиниши эса сўзимизнинг исботидир. [1]

Хўш, унда оиласа, кейин эса ўқув даргоҳида талим-тарбия олган, шу юртнинг нон-тузини еб улғайган айрим ёшларнинг ғайри инсоний ҳатти-ҳаракатларини, Ватан ва халқига хиёнат йўлига кираётган, азалий қадриятларимиз, муқаддас динимизни оёқ ости қилиб, ўз юргига, ватандошларига азият етказаётганини қандай изоҳлаш мумкин?

Бу муаммонинг илдизи қаерда ўзи? Биз бу кенг қамровли, мураккаб масалаларнинг фақат биргина жиҳати: глобаллашув жараёнининг ёшлар тарбиясига салбий тасири хусусида сўз югуртмоқчимиз. Бу жараён ҳақида гап кетганда, кўпинча турли мамлакатларнинг иқтисодий, илмий техникавий,

ҳатто сиёсий интеграциялашуви, бу жараённинг ижобий ва салбий жиҳатларига эътибор қаратилади. Лекин нима сабабдандир унинг маданий -маънавий соҳа ривожига тасири, умуминсоний ҳамда миллий урф-одат ва анъаналарнинг хусусан, оиласий қадриятларнинг ўзоро муносабати масаласига етарли эътабор берилмайди. [2]

Бугунги дунё бошдан кечираётган глобаллашув жараёни инсоният учун катта имкониятларни очиш билан бирга, дунёдаги айрим жараёнларни янада кескинлаштириб, тиниқ ичиб турган сувларни лойқалатиб, истаганча ўзлари хохлагандай балиқ тутишга интилмоқда. Доим зўровонлик ва гегемонлик ҳисобидан катта бойлик орттириб келган жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари тафаккур тарзини ва касбий маданиятини ривожлантиришнинг илмий-назарий муаммолари кучлар тўполонлар уюштириб ундан фойдаланиб, ақидапараслик, диний эктримизм ва терроризм, “оммавий маданият” каби ғояларни кенг тарғиб этмоқда. [3]

“Оммавий маданият” таъсири остида айрим ёшларимиз ўртасида шарқона одоб-ахлоқ мъёрларини унутиш ва кўпроқ европача урф-одатларни ўзларига кундалик қўнишка қилиб олишга бўлган уринишлар рўй бермоқда. Айрим йигит-қизларимиз тарихан синовдан ўтган ва асрлар мабойнида ота-боболаримиз томонидан эъзозланиб келинган миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз, удумларимизга ҳурматсизлик билан, халқимизга ёт бўлган турмуш тарзини ўз ҳаётларига киритишга уринса, яна бошқалари европача ижтимоий муҳит қоидаларини амалиётга тадбиқ этилмоқда. [8]

Ўтган асрнинг 70-80-йилларида АҚШ корхоналари ишчилари учун ишлаб чиқилган жинси шимлар бутун дунёга кенг ёйилди. Бунинг ёйилишини салбий деб боҳоламасакда, лекин, шу билан бирга “оммавий маданият” ниқоби остида Америка қалоқлик белегилари ҳам пайдо бўлди. Биламизки оналаримиз қишлоқ ҳаётида уят-андишани муҳим ҳисоблаган мусулмончилик қонун-қоидаларига аҳамият бериб, уй юмишларини бажариш учун йиртилган кейимларимизга ва шимларимизга ямоқ соли берар эди. Аммо ҳозирда манашуندай яrim йиртиқ кейимлар айрим ёшларни уят-андишадан йироқлаштириб қўйгани бизни таъжуубга солмоқда. Бу эса жамоатчилик аҳлини катта ташвишга қўймоқда. [4]

Хўш, бундай ўзгача турмуш қоидалари ёшларимиз ҳаётида қандай кўриниш бермоқда? Бундай ҳолатлар бизнинг миллий қадриятларимиз ва одоб-ахлоқимиз меъёрларига қандай таъсир ўтказмоқда?

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида таъкидлаганидек: “Табиийки, “оммавий маданият” деган ниқоб остида алоқий бузуқлик ва зўравонлик,

индувидуализм, эгоцентризм ғоялари тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписантлик, уларни қўпоришига қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди. Ҳозирга вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қураш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққийётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва қўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб олмоқда". [1]

Ўзбекистоннинг Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, «Бугунги кунда Ўзбекистонда олиб борилаётган ёшларга доир давлат сиёсати ва унинг амалий натижалари жаҳон ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотмоқда. Мамлакатимиз томонидан бу борада илгари сурилаётган ташабbusлар, жумладан, БМТнинг Ёшлар хуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиши, Шанхай ҳамкорлик тошкilotига аъзо давлатлар раҳбарларининг Ёшларга мурожаати ва уни амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар дастурини қабул қилиш ва амалга ошириш борасидаги таклифларимиз халқаро миқиёсда қўллаб-куватланмоқда. [6]

Шунинг учун биз – ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-кўй бу масалада ҳуշёрлик ва огоҳликни яна ошириб, буюк маърифатпарвар бобомиз Абдурауф Фитрат айтганидек, бу дунё ҳақиқатан ҳам кураш майдонига, соғлом тан, ўткир ақл ва яхши ахлоқ эса бу курашнинг қуролига айланиб бараётганини чукур англаб, шу борада жалолатга қарши маърифат асосида иш олиб бориш зарур". Ёшларимизнинг қалби ва онгини асрар, уларни миллий ва умумбашарий қадриятлар Жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари тафаккур тарзини ва касбий маданиятини ривожлантиришнинг илмий-назарий муаммолари руҳида тарбиялаш, ҳар бир соҳада етук мутахассислар тайёрлаш ҳар қачонгидан ҳам долзарбdir. Мана шу зарурат туфайли таълим-тарбия соҳасида жиддий ислоҳотлар ўtkazildi ва бу жараён ҳамон давом этмоқда. [7]

ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, баркамол авлодни ҳуқуқий, жисмонан ва маънан, маънавий – ахлоқий жиҳатдан вояга етказиша оила тарбия ўчоги вазифасини бажаради. Жамият равнақи учун хизмат қилиш, фарзанд камолатини кўриш, оиласида миллий қадриятларни сақлаш учун ҳар бир ота – она ўз бурчини адо эриши лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)

- 1.Каримов И.А. “Юксак маънавият енгилмас куч”, Тошкент, ”Маънавият”, 2008. –Б.116
- 2.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида” Фармойиши. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 38-сон.
- 3.Мирзиёев Ш.М. “Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан қурамиз”, Тошкент, “Ўзбекистон”. 2017. –Б.43
- 4.Жаҳонгиров Б. Б. Ўзбекистоннинг япония билан илмий техникавий алоқалари //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. Special Issue 1. – С. 312-318.
- 5.Жаҳонгиров Б. Б. Научно-технические связи Узбекистана с зарубежными странами //Бюллетень науки и практики. – 2020. – Т. 6. – №. 8. – С. 284-288.
6. 2018 йилнинг 12 майида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Буюк алломалар, адаб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори.“Янги Ўзбекистон” газетаси. 2018.13-май.1-бет
- 7.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Ёшлари Форумида сўзлаган нутқи. “Янги Ўзбекистон” газетаси. 2020.26 декабрь.2-бет
- 8.Жаҳонгиров Б. Б. Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан илмий–техникавий ҳамкорлиги (илмий-тадқиқот институтлари мисолида) //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 5-2. – С. 823-829.